

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАЯЛИЕВ РУСТЕМ ЯКУБОВИЧ**

**ТРАХЕЯ ОЛД ДЕВОРИ НУҚСОНЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН  
БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА  
МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Хаялиев Рустем Якубович**

Трахея олд девори нуқсонлари мавжуд беморларни хирургик даволаш ва реабилитацияга мултидисциплинар ёндашув..... 3

**Хаялиев Рустем Якубович**

Мултидисциплинарный подход к хирургическому лечению и реабилитации больных с дефектами передней стенки трахеи..... 29

**Hayaliev Rustem Yakubovich**

Multidisciplinary approach to surgical treatment and rehabilitation of patients with defects in the anterior tracheal wall..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХАЯЛИЕВ РУСТЕМ ЯКУБОВИЧ**

**ТРАХЕЯ ОЛД ДЕВОРИ НУҚСОНЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН  
БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯГА  
МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib440 рақам билан рўйхатга олинган.**

«Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМда бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Худайбергенов Шухрат Нурматович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Кротов Николай Федорович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Мурад Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Нигора Нусратовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Краснодар ўлкаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Профессор. С.В. Очаповский номидаги 1-сон ўлка клиник шифохонаси - илмий тадқиқот институти” ДССБМ (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Dsc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Ташкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (127 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100115, Ташкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru))

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Трахея касалликларини даволашга мултидисциплинар ёндашувни амалга ошириш, хусусан, «сурункали трахея стенози ва нуқсонлари бўлган беморларда хирургик тактика, кейинги реабилитация ва ҳаёт сифатини таъминлаш - замонавий торакал ва реконструктив пластик хирургиянинг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир»<sup>1</sup>. Трахеостомиянинг техник жиҳатлари, ўпканинг реаниматологик узоқ вақт сунъий шамоллатилиши, трахея стенозининг олдини олиш усуллари такомиллашганига қарамай, афсуски, меҳнат қобилиятини узоқ муддатли йўқотилиши, беморларнинг ногиронга айланиши ва трахеостомия найчаларидан доимий фойдаланиш билан ушбу патология тарқалишининг барқарор ўсиши кузатилмоқда (6% дан 21% гача). Маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг маълумотларига кўра, биологик ва сунъий материаллардан фойдаланган ҳолда трахея олд девори нуқсонлари пластик жарроҳлигининг мавжуд усуллари имплантатнинг етарли даражада маҳкамланмаслиги, унинг емирилиши, антиген фаоллиги ва хирургик реабилитация муддатларининг сезиларли даражада давомийлиги ва такрорий аралашувларни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарувчи хирургик амалиёт жараёнида механик ишлов беришнинг мураккаблиги ҳисобига ҳар доим ҳам зарур талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, ташхислаш алгоритми, даво усулини танлаш, хирургик даволашни бошланиши ва босқичлари муддати мезонлари бўйича ягона аниқ тавсияларнинг мавжуд эмаслиги сурункали стеноз ва трахея нуқсонларини ўта долзарб муаммолар қаторида сақлаб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида этиологик сабабнинг аҳамияти ҳамда дағал фиброз ва трахеомалияцияга ўтувчи юқори даражада ихтисослашган эпителийнинг метаплазияси шаклланишига олиб келувчи трахея тўқимасига яллиғланишнинг турли ўзига хос субстратлари ва микроб манзарасининг ўзаро алоқаси таъсирини тадқиқ қилишни ўз ичига олган ҳолда келиб чиқиши турлича бўлган трахеянинг кенг кўламли нуқсонларини (ТККН) ривожланишини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Келоид ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш учун махсус маркерларни, шу жумладан тавсия этилган балл тизимларининг самарадорлигини баҳолаш ва фиброзлантирувчи жараёнининг оғирлик даражасини комплекс текширишга тизимли ёндашувларни такомиллаштириш бўйича бир қатор тасодифий танлов бўйича клиник текширувларни ўрганиш масаласи алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ТККН мавжуд беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чоралар кўрилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, юқори технологик хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон

<sup>1</sup> Srikrishna S.V., Shekar P.S., Shetti N. Tracheal reconstructions. Ann. Thorac. Cardiovasc. Surg. 2018;4:321-324.

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига аҳолининг заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун тиббий-ижтимоий ёрдамни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар киритилган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, касалликнинг сабаблари ва уларнинг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, шунингдек, пластика усулларини такомиллаштириш асосида хирургик тактикани мақбуллаштириш йўли билан ТККН даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup> Ташҳислаш ва ТККН мавжуд беморларга кўрсатилаётган даволаш-профилактика ёрдам сифатини оширишга қаратилган тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан School of Medicine, Fukuoka University, (Fukuoka, Japan); Massachusetts General Hospital (Boston, USA); Stanford university of California (Baltimor, USA); General Thoracic Surgery Department of Hospital Clínico Universidad (Valencia, Spain), Department of Interventional Pulmonology of University Hospital Duisburg-Essen (Essen, Germany); University Hospital Leuven (Gasthuisberg, Belgium), Department of Cardiothoracic surgery, Townsville Hospital, (Queensland, Australia), Universite

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>3</sup> Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган: Songu Murat, Ozkul Yilmaz. Risk Factors for Adult Postintubation Tracheal Stenosis. Journal of Craniofacial Surgery. 2019;30(5):447-450; Kanlikama Muzaffer, Celenk Fatih, Gonuldas Burhanettin, Gulsen Secaattin. Cervical Tracheal Resection and Anastomosis for Postintubation Tracheal Stenosis. Journal of Craniofacial Surgery. 2018;29(6):578-582; Manzhi Wong, Bien-Keem Tan, Chong-Hee Lim. Trachea reconstruction with single-stage composite flaps in rabbit model. Reconstr. Microsurg. 2020;36:1-8; Schroeder J.W.Jr., Greene R.M., Holinger L.D. Primary closure of persistent tracheocutaneous fistula in pediatric patients. J. Pediatr. Surg. 2016;43(10):1786-1790; Kirschbaum A, Teymoortash A, Suárez C, et al. Treatment of large tracheal defects after resection: Laryngotracheal release and tracheal replacement. Auris Nasus Larynx. 2016;43(6):602-8; Srikrishna S.V., Shekar P.S., Shetti N. Tracheal reconstructions. Ann. Thorac. Cardiovasc. Surg. 2018; 4:321-324; Tateki Kubo, Tomoyuki Kurita, Hiroki Tashima, Motoyuki Suzuki, Hirokazu Uemura. Immediate tracheal reconstruction with forearm flap and bone graft. Microsurgery. 2019;39(1):46-52. Эшонходжаев О.Д. Мультимодальный подход к хирургическому лечению и реабилитации больных с рубцовыми стенозами трахеи.: Автореф. дисс... д.м.н. - Ташкент. 2017. 24 с. Паршин А.В. Отдаленные результаты лечения больных рубцовым стенозом трахеи. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. мед. наук. М. 2020. 154 с.

de Montreal (Quebec, Canada), Head and Neck Surgery, Memorial Sloan Kettering Cancer Center (New York, USA), Departments of Surgery and Otolaryngology, Head and Neck Surgery (Edinburgh University, UK), академик Б.В. Петровский номидаги Россия хирургия илмий маркази (Москва, Россия), “Профессор. С.В. Очаповский номидаги 1-сон ўлка клиник шифохонаси” илмий тадқиқот институти (Краснодар, Россия), И.М. Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Москва, Россия), Н.В.Склифосовский номидаги Москва шаҳар тез ёрдам илмий-тадқиқот институти (Москва, Россия); Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (Тошкент, Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) томонидан олиб борилган.

Дунё микёсида трахеянинг кенг кўламли нуқсонларини ташҳислаш, амалиётдан аввалги бошқариш ва хирургик даволаш яқунларини яхшилаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: трахея стенози - яллиғланиш жараёни асносидаги шиллик қават фибрози оқибати эканлиги, тоғай халқаларнинг метапластик оссификацияси эса трахея ички юзасининг тўлиқ ёпилишидан кейин содир бўлиши аниқланган (Department of Anatomy, Abel Salazar Institute for Biomedical Sciences, Porto University, Portugal); тана тўқималари билан ноёб биокимёвий ва биомеханик мос келиш хусусияти ҳисобига титан никелиднинг ғовакли композитларидан фойдаланиш трахея нуқсонини каркасли қайта тиклаш мақбул усуллари билан бири эканлиги аниқланган (Institute for Biomedical Technology, Twente University, Enschede, Netherlands); ТККН да томография ва виртуал эндоскопия воситасида геометрик моделни тузиш патологик жараён кечиши даражасини ва тарқалганлик хусусиятларини тўлиқ аниқлашга имкон бериши исботланган (Rambam Health Care Campus, Haifa); ТККН реконструкция қилиш ва пластика ёрдамида ёпиш муаммосини етарли ўлчамдаги, эпидермал ёки эпителий қопламага эга, ички юзанинг каркасли бўлишини таъминлайдиган ва инфекцияга чидамли бўлиши керак бўлган комбинацияланган лахтақларни яратиш йўли билан ҳал қилиш мумкинлиги аниқланган (St. Vincentius Hospital Karlsruhe-Academic Hospital of the University of Freiburg, Karlsruhe, Germany); трахеянинг чандиқли стенозида узок муддатли стентлаш билан бирга босқичли даволаш трахея юқори қисмида қониқарли ички юзани яратишга ва яхши натижалар олишга имкон бериши аниқланган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Москва, Россия).

Ҳозирги даврда дунё микёсида трахеянинг олдинги девори ва бўйин юмшоқ тўқималарининг турғун нуқсонларини хирургик даволаш натижаларини яхшилашга оид тадқиқотлар давом эттирилмоқда; ушбу тоифадаги беморлар сонининг барқарор ўсиб бориши ва қўлланилган хирургик тактиканинг қониқарсиз натижалари частотасининг юқорилиги -оператив даволаш яқунларига ҳамда патологик жараённинг оғирлигини баҳолашга диагностик ёндашувларни яхшилашга таъсир қилувчи специфик хавф мезонларини аниқлаш борасида кўшимча тадқиқотлар ўтказиш заруриятини белгилайди;

реконструктив амалиётларнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш соҳасидаги янги ишланмалар ТККН мавжуд беморларни янги позициялардан ва замонавий даражада даволаш муаммосини ўрганишга имкон беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтган аср давомида торакал ва ларинго-трахеал хирургияда катта силжиш юз берди, трахея резекцияси эса нисбатан хавфсиз амалиёт ҳисоблана бошланди. Бундан ташқари, А. Sicilian ва ҳаммуал. (2018) маълумотларига кўра «асоратлар частотаси (анастомозга боғлиқ бўлган ва бўлмаган) ҳали ҳам юқори бўлиб қолмоқда (15-39%). Анастомозга боғлиқ бўлган асоратлар (грануляция, рестеноз, чоклар етишмовчилиги ва оқма ҳосил бўлиши) юзага келса, периоперацион ўлим ҳолатлари ортади. Такрорий хирургик амалиётлар частотаси 0-3% ни ташкил қилади»<sup>4</sup>. 4 см дан ортиқ резекция бажарилган беморларда босқичма-босқич реконструктив пластик хирургия амалиётидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш тавсия этилади. Е. Chang ва ҳаммуал. (2019) ўз тадқиқотларида 2276 трахеостомия бўйича маълумотлар келтириб, «трахеостомиядан кейин келоид зарарланишга мойиллик бўлган ҳолларда трахея стенози частотаси юқори эканлигини (19,4% га нисбатан 1,82%,  $p < 0,001$ ) ва ушбу беморларда трахея стенози анча эрта бошланишини, трахеостомиядан сўнг стенознинг пайдо бўлиш вақти келоид мойил ҳамда нокелоид беморлар учун мос равишда  $38 \pm 13$  ва  $82 \pm 14$  кунни ( $p < 0,01$ ) ташкил қилишини» таъкидлаганлар<sup>5</sup>. Реконструктив амалиётларни қўллаш ҳар доим ҳам торайишни бартараф қилишга имкон бермайди, резекция қилиш усуллари амалга ошириш эса хавфли ёки имконсиздир. Турғун ларинготрахеал нуқсонни пластик амалиёт орқали ёпиш ҳиқилдоқ ва трахеяни сурункали стенози мавжуд беморларни хирургик реабилитациясининг якуний босқичи ҳисобланади<sup>6</sup>.

Бугунги кунда трахеянинг бўйин қисми нуқсонини бартараф этишга қаратилган жуда кўплаб қўллаш мумкин бўлган тўқималар ва материаллар, шунингдек хирургик амалиёт турлари таклиф қилинган. Уларга қўйилган асосий талаблар аниқ шакллантирилган: улар етарли ўлчамга эга бўлиши, каркас функциясини таъминлаши ва секреция маҳсулотларини чиқариб юбориш имкониятига эга бўлиши ҳамда инфекцияга чидамли бўлиши керак<sup>7</sup>. Масалан, Thomas Fux ва ҳаммуал. (2019) суяк илигининг аутологик мононуклеар хужайралари (BM-MNC) билан қопланган, сегментар резекция ёки аутологик тиклаб бўлмайдиган патологияларда трахеяни алмаштириш вариантыни ифодаловчи трахеянинг синтетик трансплантатларидан фойдаланиш натижаларини таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар ўтказган. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, барча беморларда трансплантант билан

<sup>4</sup> Sicilian A., Rendina E.A. State of the art in tracheal surgery: a brief literature review. *Multidiscip Respir Med.* 13, 34 (2018).

<sup>5</sup> Chang E, Wu L, Masters J, et al. Iatrogenic subglottic tracheal stenosis after tracheostomy and endotracheal intubation: A cohort observational study of more severity in keloid phenotype. *Acta Anaesthesiol Scand.* 2019;63(7):905-912.

<sup>6</sup> Yui Watanabe, Tadashi Umehara, Aya Harada, Soichi Suzuki. Successful closure of a tracheocutaneous fistula after tracheostomy using two skin flaps: a case report. *Surgical Case Reports.* 2018, 1:43-47

<sup>7</sup> Паршин А.В. Трахеянинг чандикли стенози бўлган беморларни даволашнинг узоқ муддатли натижалари. Тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. М., 2020. 154 б.



боғлиқ асоратлар пайдо бўлган, бу эса такрорий хирургик аралашувларни талаб қилган<sup>8</sup>. Бронхоскопик, гистологик ва радиологик текширувлар анастомотик оқма ва обструктив гранулали тўқималарга, трансплантат ва шиллик қаватнинг васкуляризация бўлмаслигига ёки ёндош тўқималарга интеграциясига, яъни, трансплантат билан боғлиқ бўлган асоратларни кўрсатди. J.H. Park ва ҳаммуал. (2019)<sup>9</sup> ҳамда L. Frejo<sup>10</sup> ва ҳаммуал. (2019) томонидан ўтказилган кўп марказли тадқиқот натижалари уч ўлчамли (3D) чоп этиш технологияларини қўллаган ҳолда тўқима инженерияси трахеясини кўчириб ўтказишга бўлган уринишлар ҳали муваффақият қозонмаганлигини кўрсатди. D.M. Donahue ва ҳаммуал. фикрига кўра (2017) “стома пластикасини фақатгина ҳаво йўлларида барқарор эпителизацияланган адекват ички юза ҳосил бўлганида ва қайта торайиш эҳтимоли истисно этилганда амалга ошириш мумкин”<sup>11</sup>. Шунингдек, Koji Komori ва ҳаммуал. (2019) таъкидлашча, «ҳиқилдоқ ва трахеянинг турли қисмлари патологик жараёнга кўшилиб кўшма зарарланишида, кўламли ва мультифокал стенозларни хирургик коррекция қилиш тактикаси масаласини ҳал қилиш зарур», бу эса трахеянинг олд деворида нуқсонли мавжуд беморларни даволаш ва реабилитациясининг яна бир мураккаб ва тўлиқ ишлаб чиқилмаган жиҳатини ифодалайди<sup>12</sup>.

Адабиёт маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, ТККН мавжуд беморларни хирургик даволаш натижаларини қониқарли деб бўлмайди, шу билан бирга этиологиясига кўра касалликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ТККН структурасини ўрганиш билан, ноқулай башорат хавф омилларини аниқлаш, кўрсатмалар ва хирургик амалиётларни ўз вақтида бажарилишини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда аралашувлар самарадорлигини таҳлил қилиш, комплекс даволашнинг хирургик ёндашувларини ва асосий клиник ва патогенетик жиҳатларини мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда трахеяни очик ва кенг кўламли нуқсонларини даволаш тактикасини такомиллаштириш асосий ва белгиловчи жиҳатлар бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ АДСС15.3.8 ПЗ-2014-0912043025-сонли “Трахеянинг ятроген кўламли ва мультифокал чандиқли торайишида резекция ва пластика усулларини ишлаб чиқиш ва

<sup>8</sup> Fux T, Österholm C, Themudo R, Simonson O, Grinnemo KH, Corbascio M. Synthetic tracheal grafts seeded with bone marrow cells fail to generate functional tracheae: First long-term follow-up study. J Thorac Cardiovasc Surg. 2020 Jun;159(6):2525-2537.

<sup>9</sup> Park, J.H., Yoon, J.K., Lee, J.B. et al. Experimental Tracheal Replacement Using 3-dimensional Bioprinted Artificial Trachea with Autologous Epithelial Cells and Chondrocytes. Sci Rep 9, 2103 (2019).

<sup>10</sup> Frejo L., Grande, D.A. 3D-bioprinted tracheal reconstruction: an overview. Bioelectron Med 5, 15 (2019). <https://doi.org/10.1186/s42234-019-0031-1>

<sup>11</sup> Donahue D.M., Grillo H.C., Wain J.C., Mathisen D.J. Reoperative tracheal resection and reconstruction for unsuccessful repair of post intubation stenosis. Journal of Thoracic and Cardiovascular Surgery 2017; 114: 934-9

<sup>12</sup> Koji Komori, Miki Toma et al. Laryngeal release with slide tracheoplasty for long-segment congenital tracheal stenosis. General Thorac. and CardioVasc Surg. Oct. 2018;63(10):583-585.

такомиллаштириш” (2015-2017 й.) ҳамда ПЗ-20170927155-сонли “Ларинготрахеостомиядан сўнг трахеянинг олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималарининг турғун ва кенг кўламли нуқсонлари пластикаси усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” (2018-2020 й.) амалий илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** комплекс хирургик даволаш ва реабилитацияга мультидисциплинар ёндашувдан фойдаланган ҳолда трахеянинг олд деворида ҳамда бўйиннинг юмшоқ тўқималарида турғун нуқсонлари мавжуд беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

трахеянинг олд девори ва бўйиннинг юмшоқ тўқималарида кенг кўламли нуқсонларнинг пайдо бўлиши сабабларини ўрганиш ва хавф омилларини аниқлаш;

трахея олд деворининг турғун кенг кўламли нуқсонларида юқори технологияли ташҳислаш усулларининг қиёсий аҳамиятини аниқлаш;

олд девордаги нуқсонлар сақланиб туришининг турли муддатларида трахея девори тўқималарининг морфологик хусусиятларини очиқ бериш;

қон томирли оёқча асосидаги айланма ва олдиндан тайёрлаб қўйилган мураккаб таркибли лахтақлар билан трахея ва бўйин юмшоқ тўқималарининг турғун кенг кўламли нуқсонлари пластика усулларини такомиллаштириш;

трахея ва юмшоқ тўқималар нуқсони кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда реконструктив пластик амалиётлари ҳар хил турларининг кўрсатмаларини ва бажариш муддатларини аниқлаштириш;

трахея олд деворининг турғун кенг кўламли нуқсонларида хирургик аралашувнинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлилини ўтказиш;

трахея олд деворининг турғун кенг кўламли нуқсонлари бўлган беморларни ташҳислаш алгоритми ва мақбул даволаш тактикасини танлашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2008-2020 йиллар мобайнида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида стационар равишда даволанган трахея ва ҳиқилдоқнинг чандикли стенози ҳамда трахеянинг олд деворида ва бўйин юмшоқ тўқималарида очиқ нуқсони бўлган 120 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** комплекс текширув ҳамда бўшлиқичи, реконструктив-пластик ва резекцион хирургиянинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда эндоскопик ва хирургик даволаш натижаларини инобатга олиб трахеясида нуқсони бор беморларда қўлланилган бошқарув тактикаси самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумклиник (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлиллари, коагулограмма), инструментал (спирография, ЭКГ, эхокардиоскопия), эндоскопик (фибробронкоскопия, фиброгастроудоденоскопия, ригид бронхоскопия), нур-ташхисот (кўкрак қафаси рентгеноскопияси, МСКТ (ТККН кўрсаткичларини аниқлаш билан

мультипланар реконструкция ва виртуал бронхоскопия)), морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

трахея стенози ва рестенозида ларинготрахеопластикадан сўнг трахеянинг олд деворида ва бўйин юмшоқ тўқималарида кенг қўламли нуқсонлар пайдо бўлишининг клиник ва патогенетик хавф омиллари аниқланган;

трахеянинг олдинги девори нуқсонларида унинг гистоструктураси ва кўрсаткичларига, трахеянинг қолдиқ торайиш даражасига, хамрох касаллик ҳамда неврологик дефицитнинг оғирлик даражасига боғлиқ холда патологик жараён оғирлик даражасини баҳолашнинг анатомик ва морфологик мезонлари аниқланган;

трахея олдинги девори нуқсонларининг тури ва тузилишини аниқлашга, шунингдек, уларнинг патологик кўринишлари яққоллигини баҳолашга асосланган холда реконструктив амалиёт усули ва мақбул муддатини танлашнинг асосий тактик (маҳаллий ва тизимли намоён бўлиши) ва техник (пластика вариантлари) жиҳатларига аниқлик киритилган;

трахея девори нуқсонларида гистоструктура ҳолатининг морфологик хусусиятлари ҳамда трахеомалация оғирлик даражаси ва дағал толали бириктирувчи тўқима ўсишининг репаратив жараёнлар фаоллиги ва кўп қаторли эпителийнинг тикланиш муддатларига таъсирининг патогенетик жиҳатлари очиқ берилган;

чоклар етишмовчилиги, рестеноз ва лахтакнинг трахея ички юзасига тушиш хавфини камайтиришга қаратилган трахея олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималари нуқсонларини тўрт қаватли тери-мушак пластикасининг модификацияланган усули ишлаб чиқилган;

олдиндан тайёрлаб қўйилган дельтопекторал лахтакдан фойдаланиш йўли билан яққол ифодаланган чандиқли перифокал трансформацияли трахеянинг бўйин қисми ва бўйин юмшоқ тўқималарининг кенг қўламли нуқсонларини пластика қилиш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

трахея олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималарининг нуқсонларида эндоскопик ва босқичли реконструктив-тикловчи амалиётлар кўрсатмаларига аниқлик киритилган ҳамда бажариш муддатлари аниқланган;

кўчирилган лахтаклар ва ўз қовурға тоғайлари билан пластика қилиш амалиёти кўрсатмаларига аниқлик киритилган, шунингдек бажарилиш муддатларига аниқлик киритилган ҳолда аралашувлар вариантлари мақбуллаштирилган, бу эса трахея олд деворининг турғун кенг қўламли нуқсонларини хирургик даволашда амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтиришга имкон берган;

трахеянинг бўйин қисми ва бўйин юмшоқ тўқималари нуқсонларини такомиллаштирилган пластика усуллари аралашувларнинг техник жиҳатларини соддалаштиришга, кам шикаст етказишга, хирургик амалиёт вақтини ва беморларни касалхонада ётиш муддатини қисқартиришга имкон берганлиги исботланган;

патоморфологик ҳолат ҳамда индивидуал хусусиятларни, шунингдек реконструктив пластик амалиётлар имкониятларини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда трахея олд деворида нуқсони бўлган беморларни хирургик даволаш ва реабилитация қилишнинг комплекс алгоритми ишлаб чиқилган;

специфик асоратлар частотасини камайтириш, даволашнинг яхши натижалари улушини ошириш, ногиронликни камайтириш ва умуман олганда ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида трахея олд деворида нуқсони бўлган беморларни хирургик даволаш ва реабилитация қилишда таклиф этилган мультидисциплинар ёндашувнинг аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги ТККН мавжуд беморларни ташхислаш ва хирургик даволашда замонавий илмий-амалий тасаввур ва ёндашувларга асосланган беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонларини, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар трахеянинг турғун очик нуқсонлари ривожланишининг частотаси, сабаблари ва этиопатогенетик механизмлари, уларнинг клиник кечиш хусусиятларига оид илмий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда нуқсон кўрсаткичларига қараб хирургик аралашув турини танлашда дифференциал ёндашувнинг афзалликларини асослаш ҳисобига трахеянинг очик нуқсонларини даволашдаги замонавий ютуқларга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, нуқсонларни таснифлаш трахеянинг олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималарининг очик нуқсонларида эндоскопик, босқичли реконструктив тиклаш амалиётларини ўтказиш кўрсатмаларини аниқлаштиришга, амалга ошириш муддатларини аниқлашга, умуман олганда, хирургик ёндашувларни мақбуллаштириш ва ТККН нинг пластика усулларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқишга ва шунга мувофиқ равишда хирургик амалиётдан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Трахеянинг очик нуқсони мавжуд беморларга кўрсатиладиган юқори технологик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

“Ларинготрахеостомиядан сўнг трахея олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималаридаги нуқсонни пластик ёпиш усули” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 2020 йил 24 июлдаги №IAP 06258-сонли ихтиро учун патент). Таклиф этилган усул атроф чандик тўқимасидан фойдаланмасдан трахея нуқсони соҳасининг шиллик қаватини тиклашга ва яра четларини тортмаган, ички юзани торайтирмаган ва деформацияламаган ҳолда нуқсонни иккинчи лахтак билан ёпишга, шунингдек, хирургик амалиётдан кейинги асоратлар ва такрорий аралашувлар частотасини қисқартиришга имкон берган;

“Трахея олд девори ва бўйин юмшоқ тўқималари нуқсонини кўчирилган дельто-пекторал лахтак билан пластика қилиш усули” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 2021 йил 19 февралдаги №IAP 06430-сонли ихтиро учун патент). Таклиф этилган олдиндан тайёрлаб қўйилган дельто-пекторал лахтакни шакллантириш усули трахея ва бўйин юмшоқ тўқималарининг яққол чандиқли трансформацияланган кенг қўламли нуқсонларини бартараф этишга имкон берган;

“Трахея олд девори очик нуқсонларини реконструктив пластик хирургиясида дифференциал ёндашув” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 8н-з/49-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар трахеясида очик нуқсони бўлган беморларни хирургик даволашга ва кейинчалик реабилитация қилишга мултидисциплинар ёндашувни мақбуллаштиришга асосланган бўлиб, ушбу оғир тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини тиклашга имкон берган;

трахеянинг очик нуқсони мавжуд беморларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти ва Хоразм филиалларининг хирургия ва эндоскопия бўлимларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 8н-з/49-сон маълумотномаси). Трахеянинг кенг қўламли нуқсонлари бўлган беморларни хирургик даволашда таклиф этилган тактик ва техник ёндашувларни қўллаш босқичли реконструктив амалиётлар улушини кўпайиши билан хирургик аралашувлар структурасини ўзгартириш, асоратлар частотасини 28,8% дан 13,0% гача, такрорий аралашувлар сонини 25,5% дан 6,5% гача камайтиришга, умуман олганда, аъло ва яхши натижалар улушини ошириш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та ҳалқаро ва 9 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, 10 та илмий мақолалар, шулардан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда - Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, объектлар ва предметлар тавсифланган, тадқиқотнинг республика

фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган асарлар ва диссертция тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

«Трахея турғун нуқсонларини даволашнинг хирургик усуллари эволюцияси» деб номланган биринчи бобда ТККН этиопатогенези, унинг ривожланиш хавф омиллари, шунингдек клиник кўринишлари масалаларига бағишланган тўртта кичик бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. ТККН ни хирургик даволашга нисбатан тарихий ва замонавий қарашлар тавсифланган, кейинчалик ўрганиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

«Материалнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари шарҳи» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Илмий ишда академик В.И. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида ТККН билан касалланган 120 нафар беморларни 2008 йил мартдан 2020 йил декабргача кўрикдан ўтказиш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг ёши 6 ёшдан 70 ёшгача бўлган. Ўртача ёш  $30,19 \pm 1,21$  ни ташкил қилди. Улар орасида 89 нафар эркак (74,2%) ва 31 нафар аёл (25,8%) бўлган. Барча беморларда ларинготрахеостомия мавжуд бўлган, ТККН параметрларини ўлчашда қуйидаги кўрсаткичлар олинган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Беморларда ТККН ўртача ўлчамлари параметрлари

ТККН параметрлари	Кенглиги	Баландлиги	Чуқурлиги
	мм	мм	Мм
Макс	30	80	18
Мин	4	6	9
Ўртача қиймати	15,91	26,87	14,97
Медиана	16	26	15
Стандарт хато	$SEM = \frac{s}{\sqrt{n}}$	0,332123	0,164181

Шуни таъкидлаш керакки, булар беморларнинг оғир тоифаси, уларнинг ҳар бири умумий ҳисобда жами 3 дан 11 гача хирургик амалиётни бошдан кечирган. Марказимизга ётқизилишидан олдин, 98 нафар беморга трахеостомия ўтказилган, 5 та ҳолатда даволашнинг оралиқ босқичларида трахея олд девори нуқсонидан ўтказилиб, “ёрувчи” деб номланган модификацияланган интубацион найчалар қўлланилган, 24 та ҳолатда Т симон стентда, асосан ЛОР шифокорлари томонидан трахея ички юзаси пластикаси амалга оширилган. Шуни таъкидлаш керакки, беморларнинг аксарияти касалхонага 2, 3 ёки ундан кўп марта мурожаат қилганлиги сабабли, касалхонамизга ётқизишнинг умумий сони 300 мартадан ошиб кетган.

Трахея нуқсонларининг ишчи таснифи ишлаб чиқилди.

## **Трахея нуқсонлари таснифи (Академик В. Воҳидов номидаги РИХАТМ)**

### **I. Нуқсоннинг жойлашув вариантлари**

1. Олд девор (ларинготрахеостома) нуқсонлари
2. Ён девор нуқсонлари
3. Орқа девор нуқсонлари
4. Субтотал нуқсонлар (таянч каркасинг уч ва ундан ортиқ қисмларининг йўқлиги)
5. Комбинацияланган шикастланишлар (стеноз ва нуқсоннинг кўшилиб келиши)

### **II. Нуқсон тузилиши бўйича**

Трахеянинг дарчасимон нуқсонлари:

А - кичик (1,5 см<sup>2</sup> гача)

Б - катта (1,5 см<sup>2</sup> дан 6,0 см<sup>2</sup> гача)

С - кенг кўламли (6,0 см<sup>2</sup> дан ортиқ)

### **III. Нуқсоннинг сақланиб туриш муддати бўйича**

- 1) Турғун (очиқиб турувчи - трахеостома олиб ташланганидан кейин 2 ойдан кўпроқ сақланиб туради)
- 2) Беқарор (трахеостома олиб ташлангандан сўнг, 2 ой ичида ўз-ўзидан ёпилади)
  - а) НЕ иштирокисиз мустақил равишда ёпилишга мойил
  - б) НЕ билан мустақил ёпилишга мойил

### **IV. Нуқсон яқинидаги трахея деворлари ҳолати бўйича**

- 1) Кирпикли ва қадахсимон ҳужайралар билан кўп қаторли эпителияни морфологик тиклаш
- 2) Трахеомалация ва дағал толали бириктирувчи тўқималарнинг ўсиб кетиши (сурункали трахеоканюлярлар)
- 3) Трахеяқизилўнгач оқманинг мавжудлиги

### **V. Нуқсон ён деворларининг баландлиги (чўқурлиги) бўйича**

- 1) 13 мм дан кам
- 2) 13 мм дан ортиқ, аммо 15 мм дан кам
- 3) 15 мм ва ундан ортиқ

ТККН ўлчами ва йўқ қилиш хусусиятига қараб, беморлар икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳда бир нечта кичик гуруҳлар мавжуд. Биринчи гуруҳ: А кичик гуруҳ - нуқсон Бокштейн бўйича тери-мушак-тери пластикаси билан бўлим модификациясида ёпилган беморлар (n=87). Б кичик гуруҳига нуқсони трахеяни айланма резекция билан бартараф этилган беморлар киритилган (n=5). С кичик гуруҳига трахея стенози бартараф этилиб, трахеостомик найча олиб ташлангандан сўнг трахея ТККН мустақил равишда ёпилгандан кейин ёки 8-10 мм гача бўлган кичик ўлчамлари туфайли бир нечта чок қўйилган (n=7) беморлар кирган. Д кичик гуруҳи - даволанишнинг оралиқ босқичида бўлган беморларнинг қолган қисми, сурункали трахеоканюлярлар (n=8). 13 нафар бемордан иборат иккинчи гуруҳда трахея нуқсонини бартараф этиш микрохирургик техника ёрдамида амалга оширилди. А кичик гуруҳ - олдиндан тайёрлаб қўйилган қовурға тоғайларини имплантация қилиш (n=5). Б кичик гуруҳ - силжитилган лахтак пластикаси (n=8). С кичик гуруҳи - томир

оёқчасида (n=2) олдиндан тайёрлаб қўйилган тери-фасциал-тоғайсимон лахтақдан фойдаланган ҳолда пластик хирургия. Гуруҳдаги беморларнинг умумий сони 15 кишини ташкил этади, чунки 2 та ҳолатда трахея тешигига тери-тоғай лахтагини тушириш билан боғлиқ асоратлар ривожланиши туфайли ўрни алмашувчи лахтақлар билан тўлдирилиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган қовурға тоғайлари пластикаси қўлланилган.

**«БРПЖА босқичларида трахеянинг турғун нуқсонлари бўлган беморларда инструментал маълумотларнинг қиёсий баҳоланиши»** деб номланган учинчи бобда трахея чандиқли стенознинг (ТЧС) ТККН билан бирга клиник кўринишининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган, стенозлар ривожланишининг сабаблари ўртасидаги боғлиқлик, бронхоскопик текшириш ва МСКТ натижалари таҳлили ўтказилган, шунингдек улар хирургик амалиёт маълумотлари билан қиёсий жиҳатдан баҳоланган.

Қабулда 94 нафар бемор (78,3%) ҳуштаксимон шовқинли нафас олар эди. Ёндош патологияни таҳлил қилишда 82 нафар беморда (68,3%) неврологик касалликлар, 47 (39,1%) нафар беморларда суяк-бўғим тизими яхлитлиги бузилиши борлиги аниқланди, қабул пайтида 17 (14,1%) нафар беморда асосий ва/ёки ёндош касалликнинг йирингли-септик асоратлари аломатлари мавжуд эди.

Кўриқдан ўтказилганлар 6 ёшдан 70 ёшгача эди (2-жадвал). Ўртача ёш 30,19±1,21 ни ташкил қилди. Эркак беморлар аёлларга қараганда 2,87 марта кўп эди. 19-44 ёшлилар гуруҳи барча беморлар орасида беморлар умумий сонининг 65,8 фоизини ташкил этди, бу бошқа ёш гуруҳлари билан солиштирилганда сезиларли даражада кўпроқ (p < 0,05).

## 2 жадвал

### Беморларни ёши ва жинси бўйича тақсимлаш

Ёши / жинси	Биринчи гуруҳ, n = 107		Иккинчи гуруҳ, n = 13		Жами, n = 120		
	мутлақ	%	Мутлақ	%	мутлақ	%	
14 ёшгача	12	11,21	0	0	12	10,0	
15-18	6	5,60	3	23,07	9	7,5	
19-44	69	<b>64,48<sup>&amp;</sup></b>	10	<b>76,92<sup>&amp;</sup></b>	79	<b>65,83<sup>&amp;</sup></b>	
45-59	18	16,82	0	0	18	15,0	
60-74 ёш	2	1,86	0	0	2	1,66	
Ўртача ёш	30,86±1,33		24,61±1,75		30,19±1,21		
Жинси	Эркак	<b>80</b>	<b>74,76*</b>	<b>9</b>	<b>69,23*</b>	<b>89</b>	<b>74,16*</b>
	Аёл	27	25,23	4	30,76	31	25,83

Изоҳ: \* - аёлларга нисбатан сезиларли даражада (p < 0,05)


& - бошқа ёш гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада (p < 0,05)

19 ёшдан 44 ёшгача бўлган ёш гуруҳларидаги, яъни ўзи билан аҳолининг энг фаол, меҳнатга лаёқатли ва ижтимоий аҳамиятга эга қатламидан иборат беморлар аксарият кўпчилиқни ташкил этди - 65,8% (p < 0,05).

Анамнезда узоқ вақт ЎСВ ёки трахеостомия ўтказилиб, кейинчалик ТЧС ривожланган беморлар сони 115 (95,8%) нафарни ташкил қилди. Узоқ муддатли ЎСВ ва / ёки трахеостомияга олиб келадиган сабаблар турли этиологияга эга эди. Энг кенг тарқалган сабаб - 72 (60,5%) беморда (p < 0,05) жароҳат эди.




МСКТ ёрдамида олинган тўғри ва ён проекциялар тоғайсимон ярим ҳалқаларнинг диаметри, торайиш узунлиги, каркас деформацияси ва перитрахеал бириктирувчи тўқималарнинг ўзгариши, трахея олд девори нуқсонининг ўлчамлари ҳақида аниқ маълумот олишга имкон беради, бу албатта жарроҳ олдида турган, қандай қилиб ТККН ни йўқ қилиш ва трахея ички юзасини тўлиқ тиклаш мумкин деган асосий саволга жавоб беришга ёрдам беради (1-расм).



**1-расм. ТККН тўғри ва ён проекцияларда МСКТ.**

Кўп йўналишли реконструкцияни яратиш учун «қизиқтирувчи 3D объекти», яъни ҳиқилдоқ ва трахея танланади, бу сегментация деб аталади. Уч ўлчамли кўриниш сегментация объектини бир нечта виртуал ёруғлик манбаларидан ёритиб, сўнгра кўриш кузатиш юзасида акс этган ёруғлик жадаллигини ҳисоблаш ва экранга чиқариш орқали яратилади. Бу зичлик, контрастни кучайтириш ва зарарланишнинг трансмурал тарқалганлик даражаси ҳақида маълумот беради (2-расм).



**2-расм. Виртуал бронхоскопия билан МСКТ. а) ТККН соҳаси виртуал бронхоскопия. б) Худди шу - ТККН даражасидан пастрок.**

Ишлаб турган трахеостома ёки ТККН бўлган беморларда, бронхоскопияда биринчи босқичда торайиш тепасидан ҳаракат йўналиши

бўйлаб ҳиқилдоқ ва трахея соҳаси текширилади, сўнгра тескари йўл билан трахеостомик найчани олиб ташлаш билан, ҳиқилдоқ ва трахеянинг пастки овоз бериш қисмида ўзгаришлар аниқланади, сўнгра ички юза ва шиллиқ қават ҳолати стома проекциясида ва трахея остида бронхлар шиллиқ қават ҳолатидаги ўзгаришлар ўрганилади. Стенозлар трахеянинг бўйин қисмида 109 (90,8±0,29%) ҳолатларда мавжуд бўлган, 11 (9,2±0,34%) нафар беморда трахеянинг кўкрак қафаси қисмида кузатилган. 52 (43,3±1,23%) нафар беморда трахея-бўғизда жойлашуви аниқланди, 5 (4,1±1,42%) нафар беморда ҳиқилдоқ ва трахеянинг кўкрак қисми қўшма зарарланиши кузатилди, 6 нафар беморда бўйин ва трахеянинг кўкрак қисми чандиқли торайган (5,0±1,52%), жами 44 (36,7±2,14%) ҳолатда мультифокал зарарланиш кузатилган. Шу жумладан, трахея нуқсони бўлган чандиқли стеноз 10 (8,33±1,5%) беморларда трахея-кизилўнгач яра тешиги билан мураккаблашди. Саккиз (6,7±1,4%) нафар беморда трахеостомик канюля устидан трахея ички юзасининг тўлиқ чандиқли облитерацияси бўлган. Бошқа тиббий марказлардан келган беморлардан 2 нафари (1,7±1,3%) ЦРТ дан кейин трахея анастомозларининг хирургик амалиётдан кейинги стенози билан қабул қилинди. Мультифокал стенозли беморлар орасида 34 та ҳолатда 2 поғонали стеноз борлиги аниқланди, 10 нафар беморда эса уч поғонали полисегментар торайиш аниқланди.

Кўрсаткичларни ўрганиш ва стеноз узунлиги бўйича усулларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун тадқиқотга 75 нафар бемор киритилди, шулардан 5 нафаридан ТЦР ўтказган ва 70 нафар бемор Т-симон стентда ички юза шакллантириш билан трахея пластикаси амалга оширилган.

Шундай қилиб, ТБФС да аниқланган трахеянинг торайиш узунлиги 7 дан 70 мм ни, ўртача 26,2±1,8 мм ни ташкил қилди, шу билан бирга тадқиқотнинг ўзига хос хусусияти 84,2%, сезгирлик 100% ни ташкил этди. МСКТ аниқланган трахеянинг торайиш узунлиги 9 дан 65 мм гачани ташкил қилди, ўртача 28,8±1,4 мм дан иборат бўлди, шу билан бирга усулнинг ўзига хослиги 92,6%, сезгирлик 100% ни ташкил этди. Хирургик амалиёт вақтида трахеянинг торайиш узунлиги 10 дан 68 мм гача, ўртача 31,1±1,5 мм гача бўлгани аниқланди.

МСКТ да аниқланган торайиш соҳасидаги трахея ички юзаси диаметри 3 мм дан 9 мм гача, ўртача 6,2±0,2 мм, сезгирлик 100% ва ўзига хослик 83,8% ни ташкил этди. ТБФС да аниқланган стеноз соҳасидаги трахеянинг диаметри 1 мм дан 7 мм гача, ўртача 4,8±0,3 мм, сезгирлик 100% ва ўзига хослик мос равишда 92,3% ни ташкил этди. Трахея торайишининг хирургик амалиёти давомида аниқланган диаметри 3 мм дан 7 мм гача, ўртача 5,2±0,2 мм ни ташкил қилди.

МСКТ мультипланар реконструкцияси трахея олд деворининг нуқсони ўлчами ҳақида аниқ маълумот олишга имкон беради, бу кейинги хирургик тактикага тубдан таъсир қилади. Томографда ўлчанган нуқсоннинг юзаси ва чуқурлигини хирургик амалиётдаги маълумотлар билан қиёслаш мумкин. Умуман олганда, МСКТ параметрик маълумотлари бўйича фарқларнинг нисбий кўрсаткичи ТККН ни юзасини ҳисоблашда 5,8±1,51% ва ТККН чуқурлиги учун 4,3±0,03% ни ташкил этди, мос келиш фоизлари 94,2±1,51% ва 95,7±0,03% га тенг бўлди (3-жадвал).

## ТККН юзаси ва чуқурлигини қиёсий баҳолаш

Кўрсаткич	МСКТ	И/О	Кўрсаткичларнинг фарқи
<b>ТККН юзаси</b>			
<b>М</b>	394,8	417,8	23
<b>Σ</b>	238,46	251,46	13
<b>М</b>	27,72	29,23	1,51
<b>Максимум</b>	1800	1900	100
<b>Минимум</b>	60	70	10
<b>t-мезон</b>	0,57; P=0.568		
<b>ТККН чуқурлиги</b>			
<b>М</b>	14,74	15,37	0,63
<b>Σ</b>	1,43	1,31	0,12
<b>М</b>	0,24	0,22	0,02
<b>Максимум</b>	16,5	17	0
<b>Минимум</b>	10	11	1
<b>t-мезон</b>	1,94; P=0.057		

БРПЖА нинг якуний босқичларида, ТККН бартаф этишдан олдин, қоида тариқасида, беморларда трахеянинг нормал оралиғи тикланди, НЕ аломатлари йўқ эди, мос равишда интубация ва беҳушлик унчалик қийинчилик туғдирмади ва умумий қабул қилинган усулларга мувофиқ амалга оширилган. Аксинча, РЖТБ да беморга қараш ва уларни экстубация қилиш хавотир туғдириши керак, эндоскопик назорат шарт бўлганда ўтказилиши керак, чунки баъзи ҳолларда трахея олд девори нуқсони ёпилгандан кейин, экстубациядан сўнг дарҳол НЕ ривожланиши билан ички юзага лахтакнинг тушиб қолиши кўринишидаги ўта ёмон асоратлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда найчани пластика соҳаси пастидан ўтказиш, кейин қайта хирургик амалиётни ўтказиш - Т-стентни 9-12 ойлик узоқ муддатга такроран ўрнатиш билан такроран интубация қилиш керак. Кўп йўналишли ёндашув ушбу мураккаб тоифадаги беморларга кенг кўламли ёрдам кўрсатиш учун битта жамоа бўлиб ҳаракат қиладиган невропатологлар, торакал жарроҳлар, анестезиологлар ва бронхологлар гуруҳи ҳамкорлиги ва уйғун бирликдаги ҳаракатларидан иборат.

**«Микрохирургик техникадан фойдаланмаган ҳолда ТККН мавжуд беморларни хирургик даволаш натижалари»** дея номланган тўртинчи бобда трахея олд девори ва биринчи гуруҳдаги бўйин юмшоқ тўқималарида нуқсонлари бўлган беморларни хирургик даволаш натижалари келтирилган.

Трахея олд девори ва юмшоқ тўқималарнинг ўлчамлари энига 18 мм дан ошмайдиган ва баландлиги 32 мм гача бўлган, нуқсон чуқурлиги 13 мм дан юқори бўлган трахеостомиядан кейинги нуқсонлари, яъни, трахеянинг олд-орқа ички юзаси ва торайиш соҳасида, нафас йўлининг турғун шаклланган ички юзасида протекторсиз (Т-симон стент ёки трахеостомик канюлясиз), маҳаллий уч қаватли ёки тўрт қаватли тери-мушак-тери пластикаси бажарилган - А кичик гуруҳи. ТККН мавжудлигида, шунингдек

трахеомалаяция, рестеноз ва ларинготрахеопластикадан кейинги трахея олд девори нуқсониди, шунингдек эндоскопик ва хирургик усуллари билан бартараф этишга бўлган уринишлар самарасиз тугаганидан кейин ТҚТ нинг трахеянинг чандиқли стенози билан бирга мавжуд бўлганда 5 та ҳолатда ТЦР бажарилган - Б кичик гуруҳи. С кичик гуруҳига трахея стенози бартараф этилиб, трахеостомик найча олиб ташлангандан сўнг трахея ТККН мустақил равишда ёпилгандан кейин ёки 8-10 мм гача бўлган кичик ўлчамлари туфайли бир нечта чок қўйилган (n=7) беморлар кирган. Д кичик гуруҳи - даволашнинг оралиқ босқичларида бўлган 8 нафар бемор (сурункали трахеоканюлярлар).

“Академик В. Воҳидов номидаги РИИАТХМ” давлат муассасаси ўпка жарроҳлиги бўлинмаси жамоаси Бокштейн усулини ўзгартириб, олд трахея деворидаги очик нуқсонли тўрт қаватли тери-мушак пластикасини ва 3/0 атравматик ип билан узлуксиз чокдан - “Ларинготрахеостомиядан сўнг олд трахея девори ва бўйиннинг юмшоқ тўқималаридаги нуқсонни пластика билан ёпиш усули”ни қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 24.07.2020 й. берилган ИАП 06258 рақамли ихтиро учун патент олган.

2018 йилдан буён ушбу усули 46 нафар беморда муваффақиятли қўлланилган. Таққослаш гуруҳида 47 нафар беморда 3 қаватли пластика хирургик амалиёти бажарилди. Тақдим этилган гуруҳлар жинси ва ёши бўйича репрезентатив, иккала гуруҳда ҳам 19-44 ёшдаги эркак беморлар сони сезиларли даражада кўп. Иккала гуруҳда ҳам ЎСШ олиб келадиган асосий сабаб кўп сонли жароҳат эди: ТКМП-59,6%; МКМП-62,2%. Шунингдек, гуруҳларни стенознинг этиологияси, жойлашган жойи, узунлиги ва диаметри, шунингдек ТККН ўртача қийматларининг параметрлари бўйича таққосласа бўлади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Беморларда ТККН ўртача катталиклари параметрлари.

ТККН параметрлари	Кенглиги, мм		Баландлиги, мм		Чуқурлик мм		
	ТКМП	МКМП	ТКМП	МКМП	ТКМП	МКМП	
Макс	2	30	40	42	16	17	
Мин	6	14	8	22	9	11	
Ўртача қиймати	15,85	16,28	26,85	26,39	14,87	15,67	
Медиана	16	16	26	26	15	16	
Стандарт хато	$SEM = \frac{s}{\sqrt{n}}$	0,4333	0,3593	0,8709	0,4604	0,2463	0,1459

Изоҳ: гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ йўқ (p>0.05)

Тактикани мақбуллаштириш ва КМК пластикасининг ўзгартирилган 4 қатламли усулини жорий этиш туфайли асоратлар сонини 28,8% дан 13,04% гача камайтиришга эришилди (p<0,05). Фақат ТККН пластикаси учун шифохонада ётиш кунларини таҳлил қилишда сезиларли фарқ бор: ТКМП -  $23,28 \pm 1,37$  кун; МКМП -  $19,28 \pm 1,04$  кун (П <0,05).

Хирургик амалиётдан кейинги дастлабки даврда МКМП дан кейин трахея ички юзасининг лахтагини тешиқдан чиқариб олиш энг хавфли бўлиб, клиник жиҳатдан нафас етишмовчилигининг ривожланиши билан намоён бўлади (5-жадвал).

## 5-жадвал

### Трахея нуқсонини пластик ёпилишидан кейинги асоратлар частотаси

Пластик хирургиядан кейинги асорат тури	ТКМП (n = 47)	МКМП (n = 46)
Рестеноз	2 (3,84%)	0
КМКП дан кейин трахея оралиғига лахтақ солиш	4 (7,69%)	2 (4,34%)
Чокнинг қисман етишмаслиги	9 (17,3%)	4 (8,69%)
Барча асоратлар	<b>15(28,8%)</b>	<b>6(13,04%)*</b>
Пластика усулидан келиб чиқадиган асоратлар частотасининг аҳамиятини баҳолаш		
Мезон номи	Мезон қиймати	Аҳамиятлик даражаси
Хи-квадрат мезони	4.736	p=0.030
Фишернинг аниқ мезони (икки томонлама)	0.04599	p<0,05
$\chi^2$ МакНемара	11.364	P<0,001

\* Аломат частотасининг пасайиши статистик жиҳатдан аҳамиятли, p <0,05

13 нафар беморда ички чоклар тарқалиб кетмасдан яратилган тери мушак олд девори соҳасидан ҳаво чиқиши билан хирургик амалиётдан кейинги чокнинг қисман етишмовчилиги кузатилди, барча ҳолатларда консерватив усулларда чокларнинг фонация ва йўталганда ҳаво чиқиб кетишини тўхтатиш билан чоклар заифлиги аломатлари нуқсонини зич ёпиш билан бартараф этилди. Трахея ички юзасига лахтақ кириб кетиши туфайли эрта ТККН нинг 6 ҳолатида ва рестеноз натижасида КМКП дан 6 ой ўтгач 1 ҳолатда Т шаклидаги протез билан қайта стентлаш зарур бўлди.

